



## SPECIFIC ASPECTS OF BUSINESS WOMEN'S ACTIVITIES IN THE NEW PERIOD OF REFORMS

*Manzurakhan Mirzajanovna Baltabaeva*

associate professor, Ph.D

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [baltabaevamanzura68@gmail.com](mailto:baltabaevamanzura68@gmail.com)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** third renaissance, public lobby, microcredit, “Every family is an entrepreneur”, “women's notebook”, digital economy.

**Received:** 01.12.23

**Accepted:** 03.12.23

**Published:** 05.12.23

**Abstract:** This article scientifically analyzes the activities of state and non-governmental women's organizations that serve the interests of women in the development of the expansion of the activities of women's women in small business and entrepreneurship in the new era of democratic and market reforms in Uzbekistan, their international cooperation with women entrepreneurs of Central Asian and Eastern countries.

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИДА ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Манзурахон Мирзажановна Балтабаева*

доцент, PhD

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [baltabaevamanzura68@gmail.com](mailto:baltabaevamanzura68@gmail.com)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** учинчи ренесанс, халқ кабулхонаси, микрокредит, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “аёллар дафтари”, рақамли иқтисодиёт.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистондаги демократик ва бозор ислохотларининг янги даврида республика хотин қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликдаги фаолиятларининг кенгайиши, уларнинг Марказий Осиё ва Шарқ давлатлари тадбиркор аёллари билан халқаро ҳамкорлигини ривожланишида аёллар манфаатларига хизмат қилувчи давлат ва нодавлат аёллар ташкилотлари фаолияти илмий таҳлил қилинган.

**ОСОБЕННОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЕЛОВЫХ ЖЕНЩИН В НОВЫЙ ПЕРИОД РЕФОРМ**

*Манзурахан Мирзаджановна Балтабаева*

*доцент, PhD*

*Национальный университет Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [baltabaevamanzura68@gmail.com](mailto:baltabaevamanzura68@gmail.com)*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** третий ренесанс, народное приёмное, микрокредитование, «Каждая семья – предприниматель, женская тетрадь, цифровая экономика.

**Аннотация:** В данной статье научно анализируется деятельность государственных и неправительственных женских организаций, обслуживающих интересы женщин в развитии расширения деятельности женских организаций в малом бизнесе и предпринимательстве в новую эпоху демократических и рыночных реформ в Узбекистане, их международное сотрудничество с женщинами-предпринимателями Центральной Азии и восточные страны.

---

**КИРИШ**

Ҳар бир мустақил ривожланиш йўлига ўтган давлатларнинг тараққиёти ҳеч қачон осон кечмаган. Бу борада мустақил давлат сифатида ўзига хос қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтаётган Ўзбекистонда демократик ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги ислохотлар янги паллага ўтди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ислохотлар даврида ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, мамлакат ичкараси ва ташқаридаги сиёсий бўҳронлар халқнинг ташвишига сабаб бўлган бўлса, бугунги кундаги мамлакатни жадал ривожланиш босқичига қадам қўйган даврдаги тинч ва осуда ҳаёт сабаб фуқаролар кайфиятида ижтимоий кўтаринкиликни кузатамиз.

Бугунги кун, яъни Ўзбекистон учинчи ренесанс даврига қадам қўйганлиги билан изоҳланаётган жадал ислохотлар жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олди.

Хусусан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги кенг имтиёзлар тадбиркор хотин-қизларнинг инновацион фаолиятларини юзага чиқиши, кенгайтиши ва оммалаштиришида муҳим бўлмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги ислохотлар аввал Ҳаракатлар стратегиясида, кейинчалик Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларда ифодаланди.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик соҳасининг ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммолар тадбиркорлар билан бўлган мулоқотлар жараёнида ўрганилди. Эришилган ютуқлар, йўл

қўйилган камчиликлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди”[1].

Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сўм, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 мингга яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилди[2]. 2017 йил Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан илк бора “Жамиятнинг ривожланишида хотин-қизлар тадбиркорлигининг ўрни” шиори остида республика тадбиркор аёллар форуми ўтказилди. Форумнинг асосий мақсади ҳам айнан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш соҳасида иш олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали республикада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболларини белгилашдан иборат бўлди. Форумда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ва кичик бизнесни имтиёзли кредитлашни такомиллаштириш, солиқдаги имтиёзлар, преференциялар, техника-технологиялар, хом-ашё олиб келиш ва экспорт-импорт операцияларини ривожлантириш, бўш турган бино ва иншоотларни ажратиш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, турли дастурларни амалга ошираётган давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларида бахс-мунозаралар олиб борилди. Шу билан бирга, “Қишлоқ ҳудудларида аёллар бандлигини таъминлашдаги имконият ва муаммолар: халқаро тажриба, уни Ўзбекистонда қўллаш усуллари”га оид масалалар ҳам муҳокама этилди[3].

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг “Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси-2017 йил” ҳамда “Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли” танловлари бўйича банк тузилмалари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 11 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди[4].

“Тадбиркор аёл” ассоциацияси ва “Микрокредитбанк” АТБ ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандумига асосан эса аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 10 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, минглаб тадбиркор аёллар ушбу маблағлардан

ўз бизнесларини ривожлантириш, юзлаб янги иш ўринлари ташкил қилишда унумли фойдаландилар[5].

Шу билан бирга бозор ислохотларини чуқурлаштириш, замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш йўли орқали кичик тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, бунинг асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик тадбиркорликнинг ролини ошириш мақсадида Кафолат жамғармаси ташкил этилди[6].

Давлатимизнинг соҳа ривожига қаратилган молиявий ислохотлари моҳиятини кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолиятини бошлаётган ва фаолият олиб бораётган хотин-қизларимизга етказиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва тадбиркорликдаги инновацион ғояларини ривожлантиришга молиявий кўмак бериш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Тадбиркор аёл” ассоциацияси, партияларнинг “аёллар қаноти” қатор ишларни амалга оширдилар ва ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга молиявий кўмаклашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент қарорларига асосан имтиёзли микрокредитлар ажратиш кўлами янада ошиши натижасида 2019-2020 йилларда хотин-қизлар томонидан жами 108 минг 782 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди[7]. Аммо ушбу даврда 115 минг 920 нафар тадбиркор аёл соҳа ривожига тўсик бўлаётган мавжуд муаммолар сабаб ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлгандилар.

2020 йил 11 сентябрда Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи йиғилишида мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларнинг сабаблари кўрсатиб берилди:

Биринчидан, 2019-2020 йилларда ўз иш фаолиятини тўхтатган тадбиркор аёллар сони тадбиркорлик фаолиятини бошлаган аёллар сонидан кўп. Бунинг сабаби ҳудуд, мамлакат эҳтиёжидан келиб чиқиб, бизнес режалар тузиш, истиқболда эса экспортга маҳсулот чиқариш мақсадида хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш масаласида тизимли таҳлиллар ўтказилмаган. Мавжуд муаммолар чуқур ўрганилмаган ва уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Иккинчидан, 2063 нафар ночор аёл, ижтимоий ҳимояга муҳтож 75 минг 920 та оила, оғир турмуш шароитида яшаётган 6 минг 213 нафар нафар хотин-қизга мақсадли ёрдам бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш режали ишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Учинчидан, меҳнат бозоридаги ҳолат етарли даражада таҳлил қилинмаган. Мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар мутасадди идоралар ҳисоботида тўлиқ акс эттирилмаган. Бунинг оқибатида аниқ ишга жойлашишга муҳтож хотин-қизлар ҳамда ёшлар қатламини аниқлаш имкониятини берувчи статистик маълумот яратилмаган. Уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яқка тартибда иш олиб бориш амалиёти яхши йўлга қўйилмагани сабабли ишсиз 1132 нафар оғир шароитдаги хотин-қизлар эътибордан четда қолган.

Натижада, Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида парламент сўрови юбориш ҳақида қарор қабул қилди [8].

2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да мамлакатни беш йилга ривожлантириш, яъни рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилнинг энг устувор мақсадли вазифалари сифатида белгиланган бир шароитда дунё халқлари тарихида биринчи кенг қўламли глобал офат Совид-19 вирусининг республикамизга кириб келиши ва тарқалиши билан боғлиқ пандемия шароити мураккаб вазиятни юзага чиқарди. Аммо бу қийинчиликларга қарамасдан, электрон ҳукумат ва ягона интерактив хизматлар портали орқали 178 та хизмат йўлга қўйилди ҳамда ушбу хизматлар орқали аҳолининг вақти ва харажатларини тежаш имконияти яратилди [9].

Рақамли технологиялар сабаб ахборотларга эга бўлиш ва ахборотлар алмашуви билан боғлиқ жараёнларнинг тезлашуви ҳар бир соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан яратилган “Aziz-ayol.uz” миллий платформаси республика ҳудудларидаги хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш вазифаларига йўналтирилди.

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасида вазирлик ва идоралардан хотин-қизлар билан боғлиқ маълумотлар тезкор йиғилади ва реал вақт режимида таҳлил қилинган статистик маълумотлар жамланади. Хотин-қизларнинг таълим олишлари, уларда фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни шакллантириш, хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этишга ёрдам бериш,

оилаларда ажралишларнинг олдини олишга қаратилган вазифаларни ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда олиб борилиши давлат органлари фаолиятлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2017-2021 йилларда тадбиркор учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда кўплаб янги имконият ва шароитларни яратилиши, ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва ғовларнинг аксариятига барҳам берилиши давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарганлигини, жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди. 2021 йилда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда “Халқ банки” АЖ билан имзоланган уч томонлама меморандумга кўра, мамлакатимиз бўйлаб 5 мингга яқин хотин-қиз бизнес юритиш асослари бўйича ўқитилди. Лойиҳа иштирокчиларининг барчаси курсни тамомлаганликлари ҳақида сертификат олишди. Улардан 3828 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди, 2281 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлади [10].

Ўзбекистон тадбиркор аёлларининг имкониятлари нафақат республика миқёсида, балки халқаро доирада ҳам кенгайиб, Марказий Осиё тадбиркор аёллари билан ҳамкорлик қилиш ва интеграциялашув жараёнлари янада фаоллашмоқда. Фикримизга 2021 йил 3 декабрда ташкил этилган Марказий Осиё тадбиркор аёлларининг Дискуссион клуби мисол бўла олади [11].

Ушбу дискуссион клуб аёллар тадбиркорлиги соҳасида мунтазам фикр алмашиш ва илғор тажрибаларни йўлга қўйиш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудий савдо, инвестицияларни жалб этишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилишга қаратилган. Шунингдек, клуб Марказий Осиё давлатларининг тадбиркор аёллари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини ўрнатишни кўзда тутди.

Республикада кичик бизнес ва тадбиркорликда етарли тажриба ва маҳоратга эга тажрибали тадбиркор хотин-қизлар устоз-шогирд анъаналари асосида ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган хотин-қизларга ҳар томонлама кўмаклашмоқдалар ва улар учун маҳорат дарслари ўтиш анъанасини давом эттирмоқдалар.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда тадбиркор хотин-қизларимизнинг инновацион ташаббуслари ва амалий ҳаракатлари натижасида Ўзбекистонда аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони 39 078 тани, 2023 йилнинг 1 январ ҳолатига Ўзбекистонда аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф даромади 31,8 трлн сўмни ташкил этмоқда. Статистика агентлиги

маълумотларига кўра, аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг соф даромади ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда қарийб 9,2 трлн сўмга ошган[12]. Ўзбекистонлик тадбиркор хотин-қизларнинг халқаро ҳамкорлик доираси тобора кенгайиб, келажакда нафақат Марказий Осиё ва Шарқ, балки уммон орти мамлакатлари билан ҳам фаол ҳамкорликка киришадилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркор аёллар сонининг 109 минг нафардан ортганлиги Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Сиёсий партияларнинг “аёллар қаноти” каби хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ва нодавлат тузилмаларининг ислохотлардаги тизимли фаолиятлари натижасидир[13].

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаши нутқи //Халқ сўзи, 2018 йил 8 март.

2. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.–Б.347.

3. Аёллар тадбиркорлиги: мақсад, манфаат, натижа (Электрон ресурс). Кириш режими: [http:// www.uza.uz.business.tadbirkorayollar](http://www.uza.uz.business.tadbirkorayollar) (мурожаат қилинган сана 20.10.2017 ).

4. Ўзбекистон Хотин- қизлар қўмитасининг жорий архив маълумотлари. 2017 йил, 17-жилд, 34-варақ.

5.“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг жорий архиви маълумотлари. 2017 йил, 12-жилд, 27-варақ.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2768 сонли қарори. “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 20 февраль, 7-сон, 85-модда.

7. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 2018 йил 7 июндаги Президент қарори //Халқ сўзи, 2018 йил 8 июнь, “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 7 мартдаги Президент қарори. <https://lex.uz>.

8. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида парламент сўрови. <https://m.kun.uz/news/2020/09/11/>

9. Балтабаева М.М. Рақамли таълим ва Ўзбекистонда тадбиркор хотин-қизлар. Ўзбекистон тарихини ўрганишда рақамли технологияларнинг аҳамияти. Халқаро анжуман материаллари. Тошкент, 2022 йил.

10. “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси: 30 йиллик кенг кўламли меҳнат. [https://www.uz24.uz/uz/articles/tadbirkor\\_ayol](https://www.uz24.uz/uz/articles/tadbirkor_ayol) 2022 йил 24 октябрь
11. Марказий Осиё тадбиркор аёлларининг Дискуссион клуби ташкил этилди. Газета.уз. 2021 йил 3 декабрда
12. Ўзбекистонда аёл раҳбарлар бошқарувидаги корхоналарнинг соф даромади 9 трлн сўмга ошди. <https://kun.uz/news/2023/09/06/ozbekistonda-ayol-rahbarlar-boshqaruvidagi-korxonalarining-sof-daromadi-9-trln-somga-oshdi>